

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**МАВЛЯНОВ ДИЛМУРОД РАХМАТУЛЛАЕВИЧ**

**ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА КУЗГИ БУҒДОЙ АНҒИЗИНИ ҲАЙДАШ  
МУДДАТЛАРИ ВА УСУЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

**06.01.01–Умумий деҳқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019 й**

УЎТ: 633.51/11+631.5/559

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам

Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of  
agricultural sciences

**Мавлянов Дилмурод Рахматуллаевич**

Вўза ҳосилдорлигига кузги буғдой анғизини ҳайдаш муддатлари ва  
усулларининг таъсири

..... 3

**Мавлянов Дилмурод Рахматуллаевич**

Влияние сроков и способов запашки пожнивных остатков озимой  
пшеницы на урожайность хлопчатника.....

21

**Mavlyanov Dilmurod Rakhmatullaevich**

Impact of soil tillage dates and methods after winter wheat harvest on seed lint  
yield of cotton .....

39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**МАВЛЯНОВ ДИЛМУРОД РАХМАТУЛЛАЕВИЧ**

**ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА КУЗГИ БУҒДОЙ АНҒИЗИНИ ҲАЙДАШ  
МУДДАТЛАРИ ВА УСУЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

**06.01.01–Умумий деҳқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019 й**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Qx83 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.cottonagro.uz](http://www.cottonagro.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хасанова Фирюза Марифовна,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Болтаев Сайдулла Махсудович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

**Хошимов Иброхим Набиевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети.**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й. ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail:piim@agro/uz

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й. ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Н.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
к.х.ф.д., профессор

**М.А.Авлиякулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби в.б. қ.х.ф.д., к.и.х.

**Ж.Х.Ахмедов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё қишлоқ хўжалигида сўнгги йиллардаги маълумотлар таҳлил қилинганда, шудгор ўтказиладиган майдонлар 13,958 км<sup>2</sup> ни ташкил этиб, Ҳиндистонда 1,562 км<sup>2</sup>, АҚШ да 1,551 км<sup>2</sup>, Россияда 1,197 км<sup>2</sup>, Европа иттифоқи давлатларида 1,083 км<sup>2</sup>, Хитойда 1,065 км<sup>2</sup>га тенг бўлган<sup>1</sup>. Қора олтин, яъни нефт, ёқилғи мойлаш маҳсулотларининг нархи кескин равишда кўтарилиб бориши, дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида етиштириладиган маҳсулотларнинг таннархи ошиши натижасида шудгор ўтказиладиган майдонлар қисман камайган.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида тупроқ ва иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда, тупроққа минимал ишлов бериш технологиясини қўллаш бўйича илмий ишлар олиб борилсада, шудгор ўтказиш бўйича изланишлар ўз ўрнини йўқотмаган бўлиб, тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хоссаларини яхшилайдиган, тупроқ унумдорлигини сақлайдиган ва оширишга хизмат қиладиган илмий тадқиқотларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли кузги буғдойдан кейин такрорий экин етиштириш ва шудгорлашни ўтказишга қаратилган агротехнологияларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамизда ҳайдаладиган ерлар 3,2 миллион гектарни ташкил этиб, кузги буғдойдан бўшаган майдонлар ёзда ҳайдалади, лекин ёзги ҳайдовларнинг катта қисми сифатсиз ўтказилиши оқибатида тупроқ хоссаларига салбий таъсир этмоқда. Ушбу шароитда мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда илғор технологияларни қўллаб, тупроққа ишлов беришда самарадорликни ошириш мумкин. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усуллардан фойдаланиб, энг аввало тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда тупроққа турли усул ва муддатларда ишлов бериш орқали тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ердан унумли фойдаланиш ҳамда такрорий экинлар етиштириб, сўнг ғўза парваришлашни кенг йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилга<sup>2</sup>. Шунини ҳисобга олган ҳолда кузги буғдойдан бўшаган майдонларни мақбул ҳайдаш муддати ва усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги 5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742 сонли «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали

<sup>1</sup>[http://en.wikipedia.org/wiki/Arable\\_land](http://en.wikipedia.org/wiki/Arable_land);

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли фармони

фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожла-нишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғўза ва ғўза мажмуидаги экин ерларини ҳар хил усул ва муддатда ҳайдаш, дуккакли дон экинлари экиннинг ғўза ҳосилдорлиги ва пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар В.Кондратюк, З.Турсунходжаев, А.Кашкаров, М.Мухаммеджанов, Л.Мякишев, М.Тошболтаев, А.Тўхтақўзиев, Н.Ўразматов, Ш.Нурматов, М.Тожиев, Ф.Хасанова, Ш.Саломов, И.Карабаев, Я.Бўриев ва хорижий олимлардан Е.Кузина, В.Турусов, А.Краснапёров, М.Макарова, В.Зацариний, Ю.Митрофонов, М.Гуляев, J.Akker, A.Canarache, K.Ohtomo, C.Таплар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.Лекин, улар асосан ерни ҳайдаш бўйича изланишларни кузги муддатларда ва ғўза–беда алмашлаб экиш тизимида ўрганишган.

Ҳозирги кунда ғўза-кузги буғдой навбатлаб экиш тизимида буғдой ўримида сўнг ёзда тупроққа ишлов бериш муддатлари ва усуллари бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган ва шу билан бирга ўтмишдош экинлардан қоладиган илдиз-анғиз қолдиқларининг чириш муддатлари, микробиологик жараёнлар етарлича тадқиқ этилмаган.

**Диссертациямавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ҚХА-8-024. «Ғўза мажмуидаги экинларни парваришlashда тупроққа минимал ишлов берувчи ресурстежамкор технологияларни ва техник воситаларни такомиллаштирилган ишланмаларини ишлаб чиқиш»2008-2011 йиллар ва 2012-2014 йилларда ҚХА-7-011 «Ғўза-ғалла мажмуидаги экинларни парваришlashда тезпишар ва юқори ҳосил олишни таъминлайдиган ресурстежамкор тупроққа дифференциал ишлов бериш тизимини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан бўшаган майдонларда тупроққа асосий ишлов беришнинг мақбул муддат ва усуллари ишлаб чиқиш ва унинг ғўза ҳосилдорлигига таъсирини илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кузги буғдойдан бўшаган майдонларда тупроққа ишлов бериш усуллари ва муддатларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссалари ўзгаришини аниқлаш;

кузги буғдой ҳамда такрорий экин мошдан қолган анғиз ва илдиз қолдиқларининг миқдори, уларнинг чириш муддатлари ҳамда таркибидаги озика моддалар миқдорини ва микробиологик жараёнларни аниқлаш;

турли усулда ва муддатларда тупроққа асосий ишлов беришнинг даланинг бегона ўтлар билан зарарланишига таъсирини ўрганиш;

кузги буғдойдан бўшаган майдонларда ишлов бериш усуллари ва муддатларининг ўсимликлар ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

кузги буғдойдан бўшаган майдонларда ишлов бериш усуллари ва муддатларига боғлиқ ҳолда ғўза етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида суғориладиган типик бўз тупроқ, тупроққа ишлов бериш усуллари ва муддатлари, кузги буғдойнинг «Краснодарская-99», ғўзанинг «Наврўз», мошнинг «Победа-104» навлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тупроққа ҳар хил усул ва муддатда ишлов беришнинг тупроқдаги анғиз ва илдиз қолдиқларининг чиришига, тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий ҳамда микробиологик хоссаларига, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий самарадорлигига таъсири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг услублари.** Тадқиқотни ўтказишда барча кузатув, ўлчов ва таҳлиллар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқ таркибидаги озика моддалар миқдорларини аниқлашда «Методика агрохимических анализов почв и растений», агрофизикавий таҳлиллар «Методика агрофизических исследований» ҳамда «Тупроқ микробиологияси ва биокимёси услублари» услубий қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Тажрибалардан олинган маълумотларнинг математик таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Дала тажрибаси услуби» қўлланмасида баён қилинган дисперсион таҳлил услуби асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида, 1:1 қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимида, кузги буғдойдан бўшаган майдонларга ҳар хил усул ва муддатларда ишлов берилиб, такрорий экин сифатида дуккакли дон экинини (мош) етиштиришнинг тупроқ унумдорлигига таъсири аниқланган;

кузги буғдойдан сўнг ҳар хил усулда ва муддатда тупроққа асосий ишлов бериш технологиясини, ўтмишдош экинларнинг анғиз, илдиз қолдиқлари чириши ва микробиологик хоссаларига таъсири аниқланган;

турли усул ва муддатларда тупроққа асосий ишлов беришда, эрта баҳорда чигит экиш олдидан бегона ўтларга таъсири аниқланган;

турли усулда ва муддатларда тупроққа асосий ишлов беришга боғлиқ ҳолда такрорий экин ва ғўзанинг ўсиши, ривожланиши

ҳамдахосилдорлигига, пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

ҳар хил усул ва муддатларда кузги буғдойдан бўшаган майдонларда тупроққа асосий ишлов беришнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Тошкент вилоятининг ер ости сувлари чуқур жойлашган, қадимдан суғориладиган, оғир қумоқли, типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан бўшаган майдонларни гектарига 300–400 м<sup>3</sup> меъёрларда суғориб, 28-30 см чуқурликда ҳайдаб, сўнг такрорий экин сифатида мош етиштирилиб, ҳосил йиғиб олингандан кейин кузда шудгор ўтказилган вариантда, кузги буғдой ўримида сўнг суғормай ва суғориб 28-30 см чуқурликда ҳайдаб қўйилган вариантларга нисбатан гектаридан 3,9-4,4 центнергача кўшимча пахта ҳосили олишга эришилди ҳамда ушбу мақбул вариантларда гектаридан 1млн 39 минг сўм соф даромад олиниб, 27,5-30,2 % рентабеллик таъминланган.

Кузги буғдой ўримида сўнг ерни 28-30 см чуқурликда ҳайдаб такрорий экин мош экинини етиштириб сўнг кузда 28-30 см чуқурликда шудгорланганда тупроқнинг агрофизик, агрохимёвий хоссаларининг ва микробиологик фаоллигининг сезиларли даражада ошиши тупроқнинг ҳайдов қатламларида юқори бўлиши кузатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг умум қабул қилинган услубий қўлланмалар асосида ўтказилганлиги ҳамда назарий ва амалий кўрсаткич натижалари бир бирини тасдиқлаганлиги, олинган маълумотларга математик-статистик ишлов берилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва хорижий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, илмий-амалий ишларнинг якуний натижалардаги маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маърузаларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини асослайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойдан бўшаган майдонларга ҳар хил усул ва муддатларда тупроққа асосий ишлов бериш натижасида экинларнинг анғиз ва илдиз қолдиқлари чириши, тупроқнинг агрофизик, агрохимёвий ва микробиологик жараёнлари яхшиланиши, асосий ва такрорий экинларнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигини ошиши илмий асосланганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан бўшаган майдонлардан самарали фойдаланиш, ёзда ҳайдаладиган майдонларда такрорий экин экиш ва ерни йил давомида экинлар билан банд этиш жараёнида ишлов бериш сонини камайтириш, мақбул ҳайдаш муддатлари ва



усулларининг қўллаш натижасида, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда, ўсимлик қолдиқларидан самарали фойдаланиб, ғўзанинг ўрта толали “Наврўз” навидан юқори ҳосил олишни таъминлайдиган ресурстежамкор агротехнология ишлаб чиқилганлиги ва ушбу агротехнология қўлланиши эвазига юқори иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ғўза ҳосилдорлигига кузги буғдойдан бўшаган майдонларни ҳайдаш муддатлари ва усулларининг таъсири бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой анғизини ҳайдаш муддатлари ва усулларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсири бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида фермер хўжаликлари учун “Ғўзадан юқори ҳосил етиштиришда кузги буғдойдан бўшаган майдонларни ҳайдаш агротехнологиясини такомиллаштириш” мавзусида тавсиянома тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 02/020-2801-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома Тошкент вилоятининг қишлоқ хўжалиги бошқармалари ҳамда фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилган;

типик бўз тупроқлари шароитида ишлаб чиқилганкузги буғдой анғизини ҳайдаш муддатлари ва усулларини ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири агротехнологияси Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманида 150 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 02/020-2801-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида кузги буғдойдан бўшаган майдонларни ёзда суғориб, 28-30 см чуқурликда ҳайдаб, такрорий экин сифатида мош парваришланганда ёзда суғормай ёки суғориб ҳайдов ўтказилганга нисбатан тупроқнинг агрокимёвий ва агрофизик хусусиятлари яхшиланган ва такрорий экин сифатида парваришланган мошдан 17–21 ц/га дон ҳосили олишга эришилган;

кузги буғдойдан кейин такрорий экин мош экиб, органик масса билан бойитилган тупроқларда ғўза парваришлаш агротехнологияси Бўка туманида 111 гектар ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари институти Марказий тажриба хўжалигида 11 гектар, жами Тошкент вилояти бўйича 272 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 02/020-2801-сон маълумотномаси). Натижада такрорий экин сифатида етиштирилган мошдан кейин ғўзанинг “Наврўз” нави парваришланганда ўртача 32-35 ц/га пахта ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 25-30 фоизга тенг бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари тадқиқотлар ўтказилган йилларда Қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институти мутахассисларидан тузилган махсус апробация комиссияси аъзолари томонидан ижобий баҳоланиб, йиллик ҳисоботлар ПСУЕАИТИнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий

илмий натижалари Республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда 5 марта маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш ва 1 та тавсиянома нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та маҳаллий ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Турли муддат ва усулларда тупроққа асосий ишлов бериш бўйича адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида, мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётларда ўрганилаётган омиллар бўйича чоп этилган маълумотлар батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, кузги буғдой ўрмидан сўнг тупроққа асосий ишлов бериш муддатлари, усуллари тупроқ агрофизик ва агрохимёвий хусусиятларига таъсирини ҳамда ўтмишдош экинларнинг илдиз-анғиз қолдиқлари чиришининг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бундан ташқари адабиётлар таҳлилларига асосланиб, иқтисодий жиҳатдан самарали агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва фермер хўжаликларида жорий қилиш зарурияти бўйича хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари ҳамда агротехник тадбирлар қайд қилинган. Тажриба ўтказилган майдон тупроқлари қадимдан суғорилиб келинаётган, ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар бўлиб, механик таркибига кўра оғир қумоқли, ер ости сувлари сатҳи чуқур (18-20 м) жойлашганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тажрибалар Тошкент вилояти Қибрай тумани ПСУЕАИТИнинг Марказий тажриба хўжалигида дала шароитларида ўтказилиб, барча кузатув,

ўлчов ва таҳлиллар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқ таркибидаги озика моддалар миқдорларини аниқлашда «Методика агрохимических анализов почв и растений», агрофизикавий таҳлиллар «Методика агрофизических исследований» ҳамда «Тупроқ микробиологияси ва биокимёси услублари» услубий қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Тажрибалардан олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Дала тажрибаси услуби» қўлланмасида баён қилинган дисперсион таҳлил услуби асосида амалга оширилган.

Тажриба даласида 0-30 ва 30-50 см чуқурликлардан тупроқ намуналари олиниб, агрохимёвий таҳлиллар олиб борилган, гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари Л.П.Гриценко, И.М.Малцеванинг такомиллашган услубларида, нитратли азот миқдори Грандваль-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий миқдори П.В.Протасов усулида аниқланган. Тупроқнинг ҳажм массаси ва умумий ғоваклиги Н.А.Качинскийнинг цилиндр усулида аниқланганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тажриба тизимларида ерга ҳар хил усул ва муддатларда ишлов беришнинг (2 хил муддат ва тўрт хил усулларда), яъни кузги буғдой ўримида сўнг суғормай ва суғориб, ёзда 28-30 см чуқурликда ўтказилган ҳайдовларда ва кузги буғдой ўримида сўнг такрорий экин экиб, кузда 28-30 см да шудгорлаш ҳамда кузги буғдой ўримида сўнг кузда 28-30 см чуқурликда шудгорлаш ўтказилганда экинларнинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлигига ва тупроқнинг агрофизик, агрохимёвий ҳамда микробиологик жараёнларига таъсири тўрт йил (2008-2012 йй.) давомида ўрганилган.

Олинган таҳлиллардан айтиш жоизки, дала тупроғининг ҳайдов қатламида озика унсурларининг ҳаракатчан шакллари нитратли азот билан кам, фосфор ва алмашинувчи калий билан эса ўртача даражада таъминланганлиги қайд этилган.

Тадқиқотлар олиб бориш жараёнида ўсимликларнинг ўсиб-ривожланишини кузатиб бориш ишлари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубномаси бўйича олиб борилиб, ҳисоб-китоблар қилинган. Олиб борилган барча агротехник тадбирлар агротавсиялар асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Кузги буғдой ўримида сўнг турли муддат ва усулларда тупроққа асосий ишлов беришнинг тупроқ агрофизикавий хусусиятларига таъсири**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказилган йилларда тупроққа ишлов бериш муддат ва усуллари, тупроқнинг агрофизикавий хоссалари, яъни ҳажм массаси, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги, тупроқ агрегатлари (донадорлиги) ўзгариши бўйича маълумотлар баён этилган.

Тадқиқот олиб борилган тажриба даласи тупроғининг агрофизик хусусиятлари ҳар йили амал даври бошида ва охирида ўрганиб борилган. Тажриба қўйишдан олдин (2008 йил) 5 нуқтадан 0-30 см қатламда

тупроқнинг ҳажм массаси аниқланган. Бунда 1-далада тупроқнинг ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларида мутаносиб равишда ҳажм массаси 1,38 ва 1,43 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этган бўлса, ғоваклиги қатламларга мос ҳолда 48,5 ва 47,0 % га тенг бўлган.

2009-йилда 1-далада эрта баҳорда чигит экиш учун тупроққа ишлов бериш олдидан ҳамда ғўзанинг амал даври охирига келиб, кузги буғдой ўримида сўнг суғормай 28-30 см чуқурликда ёзда ҳайдалган вариантларда амал даври бошида, яъни чигит экиш олдидан тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов (0-30 см) қатламида 1,26 г/см<sup>3</sup> ва ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 1,32 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги мутаносиб равишда тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 53,3 %, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 51,1 % ни ташкил этган. Кузги буғдой ўримида сўнг суғориб, 28-30 см чуқурликда ёзда ҳайдалган вариантда эса амал даври бошида, яъни чигит экиш олдидан тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов (0-30 см) қатламида 1,28 г/см<sup>3</sup> ва ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 1,34 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги қатламларга мос ҳолда 52,6 % ва 50,4 % га тенг бўлган.

Кузги буғдой ўримида сўнг суғориб, 28-30 см чуқурликда ҳайдаб, такрорий экин экиб, кузда 28-30 см чуқурликда шудгор қилинган вариантда тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов (0-30 см) қатламида 1,25 г/см<sup>3</sup>, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 1,31 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги қатламларга мос ҳолда 53,7 %, ва 51,5 % бўлиб, кузги буғдой ўримида сўнг такрорий экин экмай кузда 28-30 см чуқурликда шудгорланган вариантда тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов (0-30 см) қатламда 1,25 г/см<sup>3</sup>, тупроқнинг ҳайдов остки (30-50 см) қатламида 1,30 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги қатламларга мутаносиб равишда 53,7 % ва 51,8 % ни ташкил этганлиги аниқланган. Ғўзанинг амал даври охирига келиб, кузги буғдой анғизини ёзда суғормай 28-30 см чуқурликда ҳайдалган вариантда (1) тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов (0-30 см) қатламида 1,38 г/см<sup>3</sup>, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 1,43 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги мос ҳолда тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 48,9 %, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 47,0 % ни ташкил қилган. Кузги буғдой анғизини ёзда суғориб, 28-30 см чуқурликда ҳайдалган 2-вариантда тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов (0-30 см) қатламида 1,39 г/см<sup>3</sup>, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 1,43 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги ҳайдов қатламларига мутаносиб равишда 48,5 ва 47,0 % га тенг бўлган. Кузги буғдой ўримида сўнг ёзда 28-30 смда ҳайдаб такрорий экин экиб, кузда 28-30 см чуқурликда шудгор қилинган вариантда (3) тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов (0-30 см) қатламида 1,37 г/см<sup>3</sup>, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 1,41 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги ҳайдов қатламларига мос ҳолда 49,3 %, 47,8 % ни ташкил этганлиги аниқланган. Кузги буғдой ўримида сўнг кузда 28-30 см чуқурликда шудгор қилинган вариантда (4) тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов (0-30 см) қатламида 1,36 г/см<sup>3</sup>, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 1,41 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги ҳайдов қатламга мос ҳолда 49,6 % ва 47,8 % ни ташкил қилиб, 2010 йил 2-далада ҳам шунга яқин маълумотлар олинган.

Тажриба даласидаги тупроқнинг сув ўтказувчанлигига қўлланилган турли усул ва муддатларда ишлов беришнинг таъсири аниқланган.

Ўтказилган тадқиқотлардан, яъни 1-далада 2009 йил шароитида олинган маълумотларга асосан, тажриба даласидаги кузги буғдой ўрмидан сўнг, ёзда суғормай, 28-30 см ҳайдов ўтказилган 1-вариантда амал даври бошида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида ўртача 809,9 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этиб, ғўза даласида амал даври охирига келиб 722,7 м<sup>3</sup>/гани, кузги буғдой ўрмидан сўнг суғориб, ёзда 28-30 смда ҳайдов ўтказилган, такрорий экин экиб, сўнг кузда 28-30 см чуқурликда шудгорланган 3-вариантда бу кўрсаткичлар чигит экиш олдида, яъни амал даври бошида мутаносиб равишда 832,6 ва 898,2 м<sup>3</sup>/га ни, ғўзани амал даври охирига келиб эса 778,1 ва 799,2 м<sup>3</sup>/гани ташкил этган. Бу ўз навбатида амал даври охирида амал даври бошига нисбатан тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 54,5 ва 99,0 м<sup>3</sup>/га га камайганлигини кўрсатади.

Кузги буғдойдан сўнг турли муддат ва усулларда тупроққа асосий ишлов беришда тупроқ макро агрегатлари ўзгаришига таъсири ўрганилган. Бунда кузги буғдой ўрмидан сўнг конверт усулида 5 нуктада тупроқнинг 0-50 см қатламидан тупроқ намуналари олиниб, унинг донадорлик кўрсаткичлари (10-0,25 мм фракциялар) аниқланган ва таҳлил қилинганда тадқиқот ўтказилган йиллари биринчи ва иккинчи далаларга мутаносиб равишда ҳайдов 0-30 см қатламда 10-0,25 мм фракциялар 56,29 %, ҳайдов ости 30-50 см қатламда эса 47,40 % бўлганлиги қайд этилган.

Тажриба даласидаги тупроқнинг макро агрегатлари ғўзанинг амал даври бошида ҳамда амал даври охирида 2009 йил 1-дала шароитида аниқланган маълумотларнинг кўрсатишича, тажриба даласидаги кузги буғдой ўрмидан сўнг, ёзда суғормай, 28-30 см ҳайдов ўтказилган вариантда амал даври бошида тупроқнинг донадорлик кўрсаткичлари 0-50 см қатламдан намуналар олиниб аниқланиб, таҳлил қилинганда тадқиқот йиллари ҳайдов (0-30 см) қатламда 10-0,25 мм фракциялар миқдори 60,40 %, ҳайдов ости 30-50 см қатламда эса фракциялар 54,30 % бўлганлиги аниқланган. Ғўза экиннинг амал даври охирига келиб, ҳайдов (0-30 см) қатламда 10-0,25 мм фракциялар 58,57 %, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда эса 50,90 % га тенг бўлган.

Кузги буғдой ўрмидан сўнг суғориб, ёзда 28-30 см да ҳайдов ўтказилиб, такрорий экин экиб, сўнг кузда 28-30 см чуқурликда шудгорланган вариантда амал даври бошида ҳайдов (0-30 см) қатламда 10-0,25 мм фракциялар 65,50 %, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда эса 60,05 % га тенг бўлиб, ғўза экиннинг амал даври охирига келиб эса ҳайдов (0-30 см) қатламда 10-0,25 мм фракциялар 62,00 %, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда эса 55,35 % ни ташкил этган.

Диссертациянинг «**Кузги буғдой ўрмидан сўнг турли муддат ва усулларда тупроққа асосий ишлов беришнинг тупроқ агрохимёвий хусусиятларига ва илдиз-анғиз қолдиқларининг чириш муддатлари ва микробиологик жараёнларга таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот ўтказилган йилларда тупроққа ишлов бериш муддат ва усуллари, тупроқнинг агрохимёвий хусусиятлари, илдиз ҳамда анғиз қолдиқларининг

чириши, микробиологик жараёнлари, чигит экиш олдидан бегона ўтлар билан зарарланишига таъсири тўғрисидаги маълумотлар баёни келтирилган.


Бунда 1-далада 2009 йил шароитида ўзанинг амал даври охирида олинган тупроқнинг агрохимёвий таҳлил натижаларига кўра, тажрибанинг ёзда суғориб, 28-30 см чуқурликда ҳайдаш ва такрорий экин экиб, сўнг кузда 28-30 см чуқурликда шудгорлаш ўтказилган вариантыдаги ҳайдов қатламида гумус 0,826; умумий азот 0,076; фосфор 0,135 % ни, нитратли азот 7,8; ҳаракатчан фосфор 24,70 ва алмашинувчи калий эса 215,3 мг/кг ни ташкил этганлиги аниқланган. Бу кўрсаткичлар такрорий экин экилмай, кузда шудгор қилинган вариантга (гумус-0,819; нитратли азот-6,8; ҳаракатчан фосфор-22,90; алмашинувчи калий-212,3) яқин эканлиги таҳлилларда ўз ифодасини топган. Шуни айтиш жоизки, ёзги ҳайдовларга нисбатан ёзда суғориб, 28-30 см чуқурликда ҳайдалиб, такрорий экин экиб (3 вар.), сўнг кузда 28-30 см чуқурликда шудгорлаш ўтказилган ва такрорий экин экилмай, кузда 28-30 см да шудгор ўтказилган вариантларда гумус, азот, фосфор ва калийнинг умумий ҳамда ҳаракатчан шаклларининг миқдори бироз бўлсада ортганлиги кўрсатиб ўтилган.

Олинган тадқиқот натижаларига кўра, 2008 йил июль ойининг иккинчи ўн кунлигида, яъни такрорий экинга уруғ суви бериш даврида барча вариантларда бир хил 70 грамм миқдорда кузги буғдойнинг анғиз ва илдиз қолдиқлари ерга кўмилган. Кузги буғдой ўрмидан сўнг ёзда суғормай 28-30 см да ҳайдалган (1) вариантда сентябр ойида 4,0 % анғиз илдиз қолдиқлари чириган бўлса, кузги буғдой ўрмидан сўнг ёзда суғориб, 28-30 см да ҳайдалган (2) вариантда 6,0 %, кузги буғдойдан сўнг ёзда суғориб, 28-30 см да ҳайдаб, такрорий экин экиб парваришланган ва мош ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг кузда 28-30 см да шудгорланган (3) вариантда 23,2 % анғиз ва илдиз қолдиқлари чириган. Бу ўз навбатида кузги буғдой ўрмидан сўнг ёзда суғормай, 28-30 см да ҳайдалганга нисбатан 19,2 % ва кузги буғдой ўрмидан сўнг ёзда суғориб, 28-30 см да ҳайдалганга нисбатан эса 17,2 % юқорилиги кузатишган (1-расм). Қиш фаслининг декабрь ва январь ойларида ҳаво ҳарорати паст бўлиши сабабли чириш жараёнлари жуда суст бўлганлиги, яъни 1,5-2 % атрофида чириганлиги аниқланган. Баҳор фаслининг март ойига келиб, тупроқ ҳарорати бироз кўтарилиши, ёғингарчиликларнинг кўпайиши, намлик ортиши натижасида чириш жараёнлари барча вариантларда жадаллашганлиги кузатишган.

Чигит экиш учун ер тайёрлаш ишларидан олдин анғиз ва илдиз қолдиқлари олиниб чириган қисмлари ҳисоб китоб қилинган. Олинган маълумотларга кўра, 8 ой давомида энг кўп миқдорда чириш жараёни кузги буғдойдан сўнг ёзда суғориб, 28-30 см да ҳайдаб, такрорий экин экиб, парваришлангандан сўнг кузда 28-30 см да шудгорланган (3) вариантда кузатилиб, ўсимлик қолдиқларининг 50,9 % қисми чириганлиги аниқланган. Бунда кузги буғдой ўрмидан сўнг ёзда суғормай 28-30 см да ҳайдалган вариант (1) ва ёзда суғориб 28-30 смда ҳайдалган (2) вариантларга нисбатан мутаносиб равишда 17,7-16,9 % га юқори, яъни кўпроқ чириганлиги


кузатилган (1-расм). Кузги буғдойдан сўнг, яъни такрорий экин экилмай кузда 28-30 см шудгорланган вариантда анғиз ва илдиз қолдиқлари чириши 4 ой давомида ўрганилганда чириш жараёни 34,0 % ни ташкил этганлиги аниқланди. 2-далада ҳам 1-далага яқин маълумотлар олинган.

Кузги буғдой ўримида сўнг такрорий экин сифатида мош экини экилиб парваришланганда ҳосили йиғиб олингандан сўнг, анғиз ва илдиз қолдиқлари шудгор остига хайдаб қўйилган.



**1-Расм. Турли муддат ва усулларда ерни хайдашнинг кузги буғдой анғиз ва илдиз қолдиқлари чиришига таъсири, 2009-2010 йй**

Тупроққа асосий ишлов беришнинг, кузги буғдой ўримида сўнг ёзда 28-30 см чуқурликда хайдаб такрорий экин мош экинини етиштириб сўнг, кузда 28-30 см чуқурликда шудгорланган вариантда тупроқнинг агрокимёвий ҳоссалари яхшиланишига ва микроорганизмлар фаоллигининг сезиларли даражада ошганлиги кузатилган. Тупроқнинг 0-15 см қатламига нисбатан 15-30 см чуқурликдаги микроорганизмлар (аммонификаторлар, спора ҳосил қилувчилар, олигонитрофиллар, актиномицетлар) фаоллигининг юқори бўлиши биринчидан, илдиз ва анғиз қолдиқлари хайдовда пастки қатламда тўпланиши, иккинчидан такрорий экинларнинг экилиши тупроққа қўшимча озика сифатида хизмат қилиши ҳамда тупроқнинг умумий унумдорлигига ижобий таъсир қилганлиги кўрсатиб ўтилган.



**2-расм. Тупроққа турли усул ва муддатда ишлов беришнинг бегона ўтларга таъсири ( $m^2/дона$ )**

Тажриба майдонида йиллар давомида бир ва кўп йиллик бегона ўтларнинг сони ҳисобланганда, кузги буғдой ўримида сўнг суғормай ва суғориб хайдалган вариантларда бегона ўтлар сони 2009 йил 1-даладан олинган маълумотлар 69,0 ва 68,3  $m^2/дона$ ни ташкил этган бўлса, кузги буғдойдан сўнг такрорий экин экиб ҳамда такрорий экин эмай, кузда 28-30 см чуқурликда шудгорлаш ўтказилган вариантларда бегона ўтларнинг сони 23,0  $m^2/дона$ ни ва назоратда 44,0  $m^2/дона$ ни ташкил этиб, кузги буғдой ўримида сўнг такрорий экин экиб, кузда шудгорлаш ўтказилган вариантда бегона ўтлар сони ёзги хайдовларга нисбатан 46,0-45,3  $m^2/дона$ ни такрорий экин экимай кузда шудгорланган вариантга нисбатан эса 21,0  $m^2/дона$ га кам бўлганлиги кузатишган (2-расм). 2010 йилда 2-далада ҳам шунга яқин кўрсаткичлар аниқланганлиги қайд этилган.

Диссертациянинг «**Кузги буғдой ўримида сўнг турли муддат ва усулларда тупроққа асосий ишлов беришнинг такрорий ва асосий экинлар ҳосилдорлиги ҳамда сифат кўрсаткичларига таъсири**» деб номланган бешинчи бобида тадқиқот ўтказилган йилларда тупроққа ишлов бериш муддат ва усуллари, мошнинг ҳосилдорлиги, кузги буғдой ва такрорий экин мошнинг илдиз ва анғиз қолдиқлари ва тупроқда қоладиган NPK миқдори, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши ҳамда пишишига таъсири бўйича маълумотлар баён этилган.

Кузги буғдой ўримида сўнг суғориб, 28-30 см чуқурликда хайдаб, такрорий экин экиб, кузда 28-30 см чуқурликда шудгорлаш ўтказилганда агротехнологиялар таъсирида кузги буғдой ўзидан кейин ўртача 24,34 ц/га анғиз ва илдиз қолдиқлари қолдирган бўлса, ундан кейин экилган такрорий экин мош эса 20,05 ц/га анғиз ва илдиз қолдиқлари қолдирганлиги аниқланиб, кейинги экиладиган ғўза учун мақбул шароит яратилган. Кузги буғдойнинг анғиз қолдиқлари бўйича биринчи ва иккинчи далалар бўйича тадқиқот йилларида бир-бирига яқин кўрсаткичлар олинган, ўртача 0,937 % умумий азот, 0,223 % фосфор ва 1,843 % калий борлиги аниқланган ҳолда илдизда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 0,598 % 0,197 % ва 0,630 % ни




ташқил қилган. Жами анғиз ва илдизда эса умумий азот миқдори 1,535 %, фосфор 0,420 % ҳамда калий 2,473 % га тенг бўлганлиги баён қилинган.

Кузги буғдой ўримидадан кейин экилган такрорий экин мош кўрсаткичлари анғизда 1,080 % умумий азот, 0,288 % фосфор ва 0,988 % калий борлигини, илдизда эса 1,324 % умумий азот, 0,928 % фосфор ва 0,628 % ни калий, жами анғиз ва илдизда эса 2,40 % умумий азот, 1,216 % фосфор ва 1,616 % калий борлиги аниқланган.

